

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 апрель куни тўқимачилик саноати барқарорлигини таъминлаш, пандемиянинг соҳага таъсирини юмшатиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимиз тўқимачилик саноатида 2 мингдан зиёд корхона фаолият юритмоқда, уларда 365 минг нафар аҳоли ишлайди. Соҳанинг экспорт салоҳияти сўнгги 3 йилда 2 баравар ошди. Утган йили бу борадаги кўрсаткич 1,6 миллиард долларни ташкил этди.

Лекин булар ҳали етарли эмас. Соҳада улкан резерв ва имкониятлар бор. Хусусан, юртимизда етиштирилган пахта тўлиқ қайта ишлаб, экспортни 15 миллиард долларга етказиш ва 3 миллиондан ортиқ аҳолини иш билан таъминлаш имконияти мавжуд.

Йиғилишда пандемия даврида тармоқнинг барқарор ишлаши учун корхоналарни айланма маблағ билан таъминлаш масаласи кўриб чиқилди. Жорий йил 1 апрелга қадар сотилган пахта толасининг якуний тўлов муддатини 90 кундан 150 кунга узайтиришга кўрсатма берилди.

Молия вазирлигига корхоналарнинг айланма маблағини ўзида сақлаб қолиш учун экспорт божхонада расмийлаштирилган захоти қўшилган қиймат солиғини қайтариб бериш механизмининг жорий қилиш вазифаси топширилди.

Келгуси 5 йилда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни 4-5 бараварга кўпайтириш, таннархни рақобатчиларга нисбатан арзонлаштириб, ташқи бозорларни эгаллаш бўйича топшириқлар берилди. Бунинг учун маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириб, сифатини кескин ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Хусусан, хоржий компаниялар билан биргаликда йирик экспорт корхоналари ташкил этиб, танкили брендлар асосида бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан кўрсатма берилди.

Шу мақсадда Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида тайёр маҳсулот экспорт қилувчи янги корхоналар учун

технопарк ташкил этилади. Ушбу лойиҳаларни молиялаштиришга Тикланиш ва тарақиёт жамғармаси томонидан кредит линияси доирасида 300 миллион доллар маблағ ажратилади.

Йиғилишда хомашё етиштириш ва ишлаб чиқариш занжирини таннархни камайтириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Мамлакатимизда йиллар давомида пахта толасининг ўзи экспорт қилинган учун унинг нархи Ливерпуль котировкасига боғланган эди. Аслида пахта толаси Нью-Йорк биржасида сотилади ва унинг нархи Ливерпульниқидан 10 фоизга арзон юради.

Бу тўқимачилик маҳсулотлари қиймати ошишига таъсир қилаётгани қайд этилиб, мутасаддиларга пахта толаси нархини халқаро биржа котировкасига ўтказиш юзасидан топшириқ берилди.

Йиғилишда тўқимачилик корхоналарининг ташқи бозорларга чиқиши учун қулай шароит яратиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Бу соҳадаги тайёр маҳсулотларимиз экспортни, асосан, минтақа бозорига боғлаб қолган. Экспортёрлар Европага кириши учун 15 фоиз бож тўлаш ва 4 баравар кўп транспорт харажати қилишга мажбур бўлмоқда.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмасига Европа Иттифоқи бозорлари учун "GSP+" мақомини олиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, Халқаро молия корпорацияси кумагида маҳсулотларни "BSI" стандартлари асосида сертификатлаш ишларини жадаллаштириш кераклиги таъкидланди. Экспортёрлар харажатларини субсидия қилишни янада кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

Ў.А

Умумхалқ ҳаракати

САХОВАТ ВА КЎМАК ХАЛҚИМИЗНИНГ ЮРАГИДА, ҚАЛБИДА МУЖАССАМ



Эркинжон ТУРДИМОВ, Самарқанд вилояти ҳоқими



Президентимиз халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини, меҳр-саховат, оқибат ва ҳиммат каби юксак фазилатларини инобатга олиб, ҳозирги пандемия шароитида аҳолининг кўмакка муҳтож қатламларини аниқ, манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ғоясини илгари сурди.

Бу ташаббус барча юртдошларимиз каби самарқандликлар қалбини ҳам жўшдириб, ғайратига-ғайрат қўшмоқда. Шу боис, бу қўлтуғ ҳаракат ҳар биримизнинг кундалик ҳаётимиз мазмунига, инсоний

бурчимизга, давлатимиз ва халқимиз қудратининг амалий ифодасига айланиб кетди. Аслида бундай эзу интилиш ва фазилатлар халқимизнинг юрагида, қалбида мужжасам.



Давлатимиз раҳбари 20 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида халқаро ва миллий талабларга

тўлиқ амал қилган ҳолда мамлакатимизда карантин режимини босқичма-босқич юмшатиш, шу асосда тезроқ нормал ҳаётга қайтиш бўйича дастлабки чора-тадбирларни белгилаб берган эди. 22 апрель куни ўтказилган видеоселекторда эса аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромади кескин камайишининг олдини олиш вазифалари, шу жумладан, карантин чекловлари сабабли вақтинча ишсиз қолган фуқароларни моддий қўллаб-қувватлаш масаласи Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган ишлар мисолида муҳокама қилинди.

Давоми 3-бетда

Президент ташрифидан сўнг...

ТУПРОҚҚАЛЪА САҲРО ҚЎЙНИДАГИ МЎЪЖИЗАГА АЙЛАНДИ

Рўзимбой ҲАСАН, журналист

Президентимизнинг жорий йил 11-12 март кунлари Хоразм вилоятига ташрифи воҳа ижтимоий-иқтисодий ҳаётида янги босқич бошланишига пойдевор бўлди. Давлатимиз раҳбари нисбатан чекка ҳудудда жойлашган вилоятда саноатни ривожлантириш, мавжуд ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, одамларни рози қилиш учун ислохотларнинг янги босқичида кечиктириб бўлмас вазифаларга ечим топадиган ташаббусларни ўртага ташлади.

Фаоллар билан ўтказилган йиғилишда вилоятда янги туман ташкил қилиш ҳам Президентимиз томонидан тақдир этилди. Шу йилнинг 24 март куни Олий Мажлис Сенатининг учинчи ялпи мажлиси қарори қабул қилиниб, туманининг ҳудуди белгиланди.

Утган даврда янгидан ташкил қилинган Тупроққалъа тумани ўзининг илк қадамларини қўйди. Янги туманга ҳоким тайинланди, бир қатор бошқарув тизимлари шакллантирилди. Бу ишлар ҳаммаси давлатимиз раҳбарининг шу йил 11 апрелдаги "Хоразм вилояти тарихида Тупроққалъа туманини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қароридан кўзда тутилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Вилоят марказидан икки юз чақирим масофада жойлашган Тупроққалъа мазееси ўтган аср охирида Амурдарё ёқасида ташкил қилинган. Бир томони дарё, бир томони чексиз Қизилқум бағрида янги ўзлаштирилган экин майдонларидан унумли фойдаланиш учун ўша вақтда вилоятнинг тўртта туманидан кўнглилар келганди. Чўл ва дарё оралиғидаги тупроғи унумдор маскандан қисқа муддатда тўртта жамоа хўжалиги барпо этилди. Кўчиб келганлар турар жойлар билан таъминланди ва кейинчалик боғча, мактаб ва бошқа турли хизмат шохобчалари бунёд этилди.

Уша вақтда саҳро бағридаги бу маскандан, асосан, чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлар ташкил этиш кўзланганди. Бу ҳар томонлама қулай эди. Ҳатто шу мақсадларда замонавий чорвачилик мажмуалари ҳам қурилганди. Аммо...

Пахта яккахокимлиги бу ташаббусга ғов бўлди. Пахта етиштириш, ташкил кетиш катта харажат талаб қилишига қарамай, зўрлик билан шу ишга урғу берилди. Ўзингиз тасаввур қилинг, етиштирилган пахта ҳосилини юз эллик километр масофадаги пахта тозалаш заводига ташишнинг ўзи бўладими? Бугунги ташишда ҳам шу муаммага дуч келинди. Пахта ва бугдой эккан деҳқон эса харажатлари ошиб кетиб, охир-оқибатда даромаддан куруқ қолаверди. Шу боис, ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан анча ортда қолиб кетди. Аҳоли турмуш шароитида туб ўзгаришлар сезилмади. Хусусан, аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудларда мактабгача таълим, умумтаълим, касб-хўнар таълими ва тиббиёт муассасалари ҳамда ички йўллар қурилиши эътибордан четда қолди. Маданият, спорт, тадбиркорлик соҳалари ривожланмади.

Янгидан ташкил қилинган Тупроққалъа тумани ихтиёрида 192 минг гектар ер майдони бор. Бу майдонларнинг аксари қорамол ва қўй боқишга жуда қулай. Ҳозир ҳам воҳалик қўйчиёнларнинг аксари ўз сурвларини шу ерларда боқяпти. Ўзин келажакда бу ҳудудда чорва бош сонини бир неча ўн марта ошириш имконияти мавжуд. Бу эса, ўз навбатида, чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш ошишига ва аҳоли эҳтиёжларини қоплашга, бозорларда нархнаво муътадил сақланишига пухта замин яратди.

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИГА ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАРНИ ДАВОЛАШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР:

Ўзбекистонда коронавирусга чалинганлар, касалликда гумон қилинганлар, карантинда сақланаётган ҳамда реабилитацияга олинганларни даволаш ишларининг барчаси **БЕПУЛ**, давлат бюджети ҳисобидан **АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

Ўзбекистонда коронавирус инфекциясига чалиниб даволанаётган ўрта аҳволдаги ҳар бир бемор учун **32 миллион сўмдан маблағ сарф қилинмоқда.**

Оғир аҳволдаги, жонлантириш бўлимида ётган ҳар бир беморга ўртача **64 миллион сўмдан маблағ сарфланмоқда.**

Карантинда бўлиб турган фуқароларнинг ҳар бирига **14 кунлик карантин даври учун 2,4 миллион сўмдан маблағ сарф қилинмоқда.**

Коронавирусдан тузалиб, реабилитацияга олинган ҳар бир бемор тикланиши учун **2,8 миллион сўм сарфланмоқда.**

Шунингдек, коронавирусдан даволаш мақсадида **20 МИНГ БЕМОР УЧУН ДОРИ-ДАРМОН ВОСИТАЛАРИ ЗАХИРАСИ ЯРАТИБ ҚЎЙИЛГАН.**

Ҳозир коронавирус касаллигига қарши кураш учун **16 минг ўрин ҳозирлаб қўйилди.** Сабаби, **ЖУДА КЎП ДАВЛАТЛАР ЖОЙ ТОПОЛМАЙ ҚОЛДИ.** Бизда эса шундай имконият яратиб берилди.

Давоми 2-бетда

Кун мавзуси

ТЕМИР ИНТИЗОМ, АҚЛ-ЗАКОВАТ ва ҲАМЖИҲАТЛИК билан бу синовдан, албатта, МУНОСИБ УТАМИЗ!

Қаландар АБДУРАҲМОҶОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси аъзоси,
академик

Бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида коронавирус пандемиясини жиловлан, бу офатдан халқимизни соғ-омон олиб чиқиш учун барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда коронавирус билан касалланган биринчи бемор қайд этилганидан буён ўтган қисқа вақт мобайнида давлатимиз раҳбари томонидан халқимизга уч марта мурожаат қилинган ва бу борадаги энг муҳим ва устувор вазифалар белгилаб берилгани ушбу кўринмас балога қарши самарали кураш олиб боришда бекиёс аҳамиятга эга бўлмоқда.



Мана шундай мураккаб дамларда барчамиз бир ҳақиқатга гувоҳ бўлмоқдамиз — Ўзбекистон давлати, ҳукумати Президентимиз раҳбарлигида бу кўринмас ва маккор ёв олдидан ўз халқини бир дақиқа ҳам ёлғизлатиб қўйгани йўқ. Юртимиздаги ҳар бир инсон ва оила бу хавф-хатардан мустаҳкам ҳимоя қилинмоқда. Ҳатто хорижий давлатларда ўқиб, меҳнат қилиб юрган юртдошларимиз соғлиги, ҳаёти ҳақида ҳам биринчи навбатда ғамхўрлик қилиниб, улар чартер авиарейслар, темирйўл ва автомобиль транспорти орқали юртимизга олиб келиниб ва карантинга олинди. Бу ишларнинг дастлабки ижобий натижалари ҳам ҳаммамизга яхши маълум: карантин муддатини ўтаб, касалликка чалинмагани аниқ бўлган фуқаролар ўз ўйларига етказиб қўйилмоқда. Буларнинг барчаси ҳақиқий инсонпарварлик, халқпарварлик намунаси бўлиб, бу ҳақиқатни юртимизда ҳам, жаҳон миқёсда ҳам сиёсатчи ва экспертлар, кенг жамоатчилик эътироф этмоқда.

Биёт ходимлари ҳақиқий жасорат кўрсатгани, таъбир жоиз бўлса, улар “жанг майдони”нинг олдинги жабхаларида мардона туриб, кечаю кундуз беморларга ҳамнафас бўлаётгани, шу кунгача 561 нафар беморни бутунлай соғайтиришга эришганлари халқимизнинг руҳини кўтариб юборди.

Мамлакатимиз раҳбари жорий йил 8 апрелда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида коронавирус пандемиясига қарши курашишда жойлардаги ишлар натижадорлиги таҳлили ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишнинг муҳим манбаи бўлган томорқачиликни ривожлантириш масалаларини кўтариб, “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида ҳар бир сектор ҳудудида камда 100 тадан жондонда 1-1,5 сотихли иссиқхоналар ташкил этишни, кишлоқ хўжалигида вақтинча фойдаланилмаётган ерларни ўзлаштириб, кам таъминланганини оилаларни иш билан банд қилиш бўйича тизим яхши самара бераётганини, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида бу борада 31 та кооператив ташкил этилиб, 1 минг 600 нафар ишсиз фуқаронинг иш билан бандлиги таъминланганини қайд этиб ўтди. Бундай кооперативлар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон фермер,

деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги жамғармадан 50 миллиард сўм ажратилганини таъкидлаб, бу тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам жорий қилиб, камбағалликни ва ишсизликни камайтириш бўйича топшириқлар берди.

Мухтарам Президентимиз 14 апрель кунги глобал инкироз ва пандемия шароитида Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги олдидан турган долзарб вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида коронавирус инфекциясига қарши кураш доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга яна бир бор алоҳида тўхталиб, ақлий меҳнат, таълим-тарбия билан боғлиқ фаолият турлари масофадан туриб, онлайн режимда олиб борилаётганини, юртимиз ҳудудида кишлоқ хўжалигида, саноат ва қурилиш, иқтисодийнинг бошқа устувор тармоқларида, тадбиркорлик субъектларида ишни самарали давом эттиришни, 34 миллионлик азиз, танти ва улуғ халқимизни боқиб баробарида қанчадан-қанча етиштирилган маҳсулотларимизни четга экспорт қилиш вазифаларини белгилаб берди.

Ҳозирги кунда барчамизнинг қалбимизда “Бу касалликка қарши курашса бўлар экан, уни енгса бўлар экан”, деган қатъий ишонч тобора ортиб бормоқда. Бунинг учун ушбу курашга сафарбар этилган юз мингдан зиёд шифокорга чин дилдан раҳматлар айтиб, таъзим қиламиз. Ҳар бир соғайиб кетган бемор ҳаётимизга қўшимча умид ва ишонч олиб кирмоқда, бизни бу хавф-хатар қаршисида янада жипс ва бирдам бўлишга ундамоқда.

Бугун вазиятнинг ўзи ҳаммамиздан фаолликни, карантин қоидаларига, шифокорлар тавсияларига сўзсиз амал қилишни талаб этмоқда. Айни вақтда вазият тақозо этган, имконият туғилган дамда ўз касбимиз бўйича ишларимизни қандай давом эттириш ҳақида ҳам ўйлашимиз зарур. Президентимиз айтганидек, юртимизга баҳор келиб, иссиқ кунлар бошланиши билан даладаримизда экин-тикин ишлари, янги ҳосилга тайёргарлик жараёнлари ҳал қилувчи босқичга кириб бормоқда. Кишлоқ хўжалиги иқтисодийнинг етакчи тармоқларидан бири эканини барчамиз яхши биламиз. Даладарда агротехник тадбирлар кучайиб бориши билан бу соҳага хизмат кўрсатадиган ёки у

билан бевосита ҳамкорликда иш олиб борадиган тармоқ ва йўналишлар олдидан долзарб вазифалар ҳам кўпаяди. Умуман, иқтисодийнинг барча соҳа ва тармоқлари бир-бири билан шунчалик чамбарчас боғлиқ кетганики, буни биз бугунги вазиятда жуда чуқур ҳис этмоқдамиз.

Ижтимоий ҳимоя бош масалага айланди

Бу борада биринчи марта аҳоли, унинг кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга устувор аҳамият қаратилаётгани диққатга сазовордир.

Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронларни бепул таъминлаш учун асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена товарлари рўйхати карантин тадбирлари амал қиладиган даврда бир марталик никоблар, антисептик воситалар ва бактерияга қарши совунлар жамланмаси билан тўлдирилди.

Ҳақиқатан ҳам, мана шундай мураккаб шароитда аҳолининг бундай тоифалари ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ёрдам ва эътиборга эҳтиёж сезади. Бундай чора-тадбирларнинг қўрилиши эса уларнинг кучли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш билан бирга, жамиятда меҳр-оқибат, узаро ёрдам, шафқат, хайр-саховат тамойиллари кучайишига олиб келади. Айниқса, ёлғиз кексалар учун бундай ёрдамнинг аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатининг йўлга қўйилгани ёрдамга муҳтож юртдошларимизнинг кўнглига илиқлик олиб кирди. Хусусан, айни улуғ кунларда бу хайрли ишнинг аҳамияти ва савоби нечоғлиқ бекиёс-лигини Президентимиз 22 апрель кунги глобал инкироз ва пандемия шароитида аҳоли бандлиги масаласига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида алоҳида таъкидлади. Ҳозирги мураккаб шароитда аҳолининг кам таъминланган қатламини моддий қўллаб-қувватлаётган саховатпеша тадбиркор ва фермер юртдошларимизни давлатимиз, жамиятимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини қайд этди.

Жараён

ТУПРОҚАЛҒА саҳро қўйнидаги мўъжизага айланади

Бошланғич 1-бетда


Ушбу ҳудудда ўтган асрнинг иккинчи ярмида бунёд этилган Туямуён сув омбори мажмуасига ёндош қурилган Питнак шаҳри ҳам бор. Шаҳар уч-тўрт йилда дунёга танилди. Бу ерда автомобиллар ишлаб чиқарила бошланди. Ҳозир Хоразмда икки мингдан зиёд йигит-қиз автомобилъ ва унинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш билан банд.

Уч йил олдин Президентимиз ташаббуси билан айнан Питнак шаҳри ҳудуди ўзаги бўлган “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонаси ташкил қилинган. Шу кунгача эркин иқтисодий зонада ўнлаб корхоналар қурилиб, иш бошлади. Замонавий кийим-кечақлар, гулқоғозлар, тиббий қўлқоплар, машина заводи учун бутловчи қисмлар, хуллас, санайверсак, жуда кўп маҳсулотлар тайёрланган. Шу ерлик Ҳамид бува ибораси билан айтсак: “Ҳатто ўн йил олдин оддий челақ ишлаб чиқарилмаган чекка ҳудудда жаҳоннинг кўплаб давлатларига экспорт қилинадиган автомобиллар ишлаб чиқарилади, деб ким ҳам ўйлабди?”


Янги туман ҳудудига Питнак шаҳри, унга ёндош Питнак кишлоғи, шунингдек, дарё ёқасидаги Саримой кишлоғи ҳам қиради. Бу ерда айни пайтда 54 минг аҳоли истиқомат қилмоқда. Агар эркин иқтисодий зонада яна ўнлаб лойиҳалар амалга ошириб жорий этилаётганини айтсак, туман аҳолиси яқин йилларда икки баравар ошишига ҳеч шубҳа йўқ. Сунги йилларда Питнак шаҳридан беш чакирим масофада жойлашган қадим Чингиз қирларида бўш ётган ерларда юзлаб намунали турар жойлар қурилди. Кўп қаватли уйлар барпо этилди. Янги бунёд бўлган обод маҳалла аллақачон шаҳар билан тўташиб кетган. Турар жойлар барпо этиш давом этмоқда.

Кун келади, бугун янги ташкил топган туман, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлади. Илк қадамлар шундан дарақ бериб турибди. Бошқача айтсак, Тупроқалға тумани яқин йиллар ичда саҳро қўйнидаги мўъжизага айланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 22 апрель кунини АҲОЛИ БАНДЛИгини таъминлаш ва даромади кескин камайишининг олдини олиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.




Коронавирус пандемияси сабабли **дунёдаги миллионлаб корхона ва ташкилотлар** ўз фаолиятини **тўхтатгани 2 миллиард 700 миллион ишчига таъсир кўрсатди. Жаҳонда камбағал аҳоли** сони қарий **2 баробарга ёки 500 миллион кишига кўпайиш хавфи юзага келмоқда.**



Мамлакатимизда карантин туфайли **196 мингта корхонада** ишлаб чиқариш ва **хизмат кўрсатиш ҳажми кескин камайган.** Карантин туфайли, табиийки, ишсизлар сони ҳам ошган. Буни апрель ойидаги **20 кунлик солиқ тушумларида** ҳам **кузатиш мумкин. Жумладан, қатор вилоятларда 30–40 фоиз,** айрим туман ва шаҳарларда эса **50 фоиздан зиёд тушум таъминланмаган.**

Бир ой илгари қабул қилинган 2 та қарорга асосан, ҳозирга келиб **нафақа ва моддий ёрдам оладиган** болали оилалар сони **595 мингдан 655 мингга,** яъни **60 мингтага кўпайтирилди.** Шунингдек, аҳолининг **кредитлар бўйича 3 триллион 260 миллиард сўмлик тўловлари мuddати узайтирилди.**


Карантин даврида Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ва Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан **141 минг 800 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланиб,** уларга 43 миллиард **225 миллион сўм иш ҳақи тўлаб берилди.**



Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш **марказлари** томонидан **219 минг оилга озиқ-овқат ва санитария-гигиена маҳсулотлари тарқатилди.**

Тадбиркор ва фермерлар камбағал оилаларга томорқада экин экишга ёрдам бериши, такрорий экин учун ўз еридан жой ажратиши, қасаначиликни йўлга қўйишда **кўмаклашиш лозимлиги таъкидланди.**

Давлат эса бундай субъектларга **солиқни бўлиб-бўлиб тўлаш,** мuddатини кечиктиришга рухсат беради **ёки кредит ажратади.**



МИСОЛ УЧУН, Самарқанд вилоятида **“АГРОМИР” КОРХОНАСИ** раҳбари **мингта оилани** қарамоғига олиб, **600 гектар** ерда янги тоқзорлар барпо этиш ишларини бошлаган. **500 дан зиёд камбағал** оилани кооперативга **доимий ишга олиб,** янги тоқзорлар орасини уларга бўлиб берган ва **кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйган.** Қурилиш ишларига яна **100 одамни ишга олган.**



Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси маъсулликда вазирилик ва ҳокимликлар фаолиятини мувофиқлаштириб **борувчи оператив штаб тузилади.**

Самарқанд шаҳридаги **“АЗИЯ МЕТАЛЛ ПРОФ”** корхонаси раҳбари **1000** та оилга озиқ-овқат тарқатган, **10 га яқин эҳтиёжманд оилга уй қуриб бериш, 100 нафарини ишга олиш ташаббуси билан чиққан.**

Наманган вилоятидаги **“АРТ СОФТ”** кластери таъсисчилари Наманган шаҳри, Поп, Мингбулоқ ва Янгиқўрган туманларида **3 минг оилга ёрдам бериш ташаббуси билан чиқдилар.**

Барча туман ва шаҳарларда ишсиз қолган ҳамда **эҳтиёжманд аҳолини номма-ном аниқлаб,** шакллантирилган рўйхатлар асосида **“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати** доирасидаги ишларни **манзилли йўлга қўйиш** бўйича кўрсатмалар берилди.

Карантиндан олдин ҳам ишсиз бўлган ва кунлик даромад асосида яшаб келган одамларни фаол меҳнат орқали **иш билан таъминлаш зарурлиги таъкидланди.** Кишлоқ хўжалиги кооперативлари ва жондорларда иссиқхоналар ташкил этиш ҳисобига **14 мингта янги иш ўрни яратиш** мумкинлиги қайд этилди. **110 минг кишини мавсумий, 167 минг фуқарони жамоат ишларига жалб этиш вазифаси қўйилди.**

Ҳозирги кунда умумий овқатланиш тармоғида **13 минг,** савдода **45 минг,** хизмат кўрсатишда **19 минг,** транспортда **7 минг** корхона фаолиятини тўхтатган ёки **тушумлари кескин камайган.** Карантин шароитида ҳам озиқ-овқат ва товарларни етказиб бериш, кўчма савдо ва хизматларни ташкил этиш орқали бу **корхоналарнинг камида 70 фоизини ишлатиш мумкин.**

Республика махсус комиссиясига **етказиб бериш хизматини йўлга қўйган тадбиркорлик субъектлари** фаолияти учун **шароит яратиш** бўйича **топшириқ берилди.**

Ўзини ўзи банд қилган **фуқароларни** қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний фаолият юритиши учун қулай ва **содда ҳуқуқий тизим яратиш зарурлиги таъкидланди.** Ҳозирда бундай кишиларга **85 та фаолият тури билан шуғулланишга рухсат берилган.**

Бугунги кунда **25 мингдан зиёд уста,** шогирдлари билан қўшиб ҳисоблаганда, **жами 80 мингга яқин оила** шу соҳадан **даромад топмоқда.** Йиғилишда масофавий ўқув курслари ташкил этиб, ёшлар ва аёлларга хунар ўргатиш, ўз мактабига эга хунарманд усталар тажрибасини **телевидение орқали оммалаштириш бўйича топшириқлар берилди.**

“Хунарманд” уюшмаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига хунармандчилик маҳсулотларини Ўзбекистон миллий бренди остида **хорижда сотишни таъминловчи онлайн платформа яратиш вазифаси юклатилди.**

Ақлий меҳнат орқали даромад топишга ўргатиш, соҳани ривожлантириш учун хорижда оммабоп бўлган тўлов тизимларини йўлга қўйиш бўйича **топшириқлар берилди.**



Муносабат

САХОВАТ ВА КЎМАК ХАЛҚИМИЗНИНГ ЮРАГИДА, ҚАЛБИДА МУЖАССАМ

Бошланғич 1-бетда

Хар бир йўналиш ва кесимда бажарилиши зарур бўлган чора-тадбирлар юзасидан аниқ топшириқ ва вазифалар белгилаб берилди. Уларни муқаддас Рамазон ойи давомида ўз вақтида бажариш бўйича амалий ишларни бошлаб юбордик.

Ҳақиқатан, кун сайин ўзгараётган вазият аҳоли бандлигини таъминлаш ва муҳтож оилаларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича қўшимча чоралар қўришни талаб этмоқда.

Бугунги кунда вилоятимизда 3,8 миллион киши 904 минг оилада истиқомат қилиб келмоқда. Пандемия бошлангунга қадар меҳнат бозорига ишсизлик даражаси 9,3 фоизни ташкил қилган бўлса, хорижий давлатлардан меҳнат муҳторларининг қайтиб келиши ва вақтинча ишсиз қолган фуқаролар ҳисобига бу миқдор 11,1 фоизга етиши кутилмоқда.

Президентимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида камбағалликни қисқартириш масаласи кўтарилди, уни камайтиришга қаратилган амалий чора-тадбирлар қўриб келинати. Таҳлиллар вилоятимизда даромад нотекис тақсимланганини кўрсатмоқда. Шу боис, камбағалликнинг юқори даражаси ва ўртаҳол аҳолининг умумий аҳоли сонидан улушининг энг паст кўрсаткичи ҳам баъзи туманлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Ана шундай оилаларни аниқлаш бўйича ўрганишлар натижасида бугунги кунда 47,7 минг (22,4 минг нафар фуқаро) муҳтож оила мавжудлиги аниқланди (шундан 18 мингга яқин фуқаро чет элдан вилоятимизга қайтиб келган меҳнат муҳторлари ҳисобланади).

Албатта, Президентимиз қайд этганидек, камбағалликни камайтириш ойллик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёлпасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини қасбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини ўйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак. Худди шу нуктага назардан ўтказилган таҳлиллар натижасида муҳтожлик даражасидаги аҳолининг 19 609 нафари мутахассисликка эга бўлиб, ҳозирги кунда ишсизлиги, 35 776 нафарини шахсий томорқасида банд қилиш имконияти мавжудлиги, 39 615 нафари мутахассислиги бўлмаган ишсиз экани маълум бўлди.

Президентимиз сўнгги 3 йил мобайнида тадбиркорларни бевосита қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг шу йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва ундан кейин қабул қилган қарорлариде берилган турли имтиёз ва преференциялар, солиқ таътиллари, имтиёзли банк кредитлари ва қўшимча энгилликлар туфайли вилоятимиздаги аксарият ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий барқарорлигини ҳамда иш ўринларини сақлаб қолишга эришилди.

Вилоятда “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида амалий ишлар ҳам бошлаб юборилди. Тадбиркор ва фермерлар камбағал оилаларга томорқасида экин экишга, тақориш экин учун ўз еридан жой ажратиш, қасаначиликни йўлга қўйишга кўмаклашмоқда.

Президентимиз эътироф этганидек, давлат томонидан, ўз навбатида, бундай тадбиркорларга солиқ, лизинг, кредит тўловлари, зарур ресурслар билан таъминлаш бўйича турли имтиёз ва преференциялар берилди. Яъни бу аҳолига давлат томонидан тадбиркорлик субъектлари орқали кўрсатиладиган саховат ва кўмак бўлади.

Мисол учун, “Агромир” МЧЖ томонидан умумхалқ ҳаракати доирасида Пайриқанд ва Самарқанд туманларидаги 1000 та муҳтож оилани 3 ой давомида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, шу билан бирга, 600 нафар камбағал оилаларга пудрат асосида 1 гектардан ер бўлиб бериб, кооперация тизими орқали тоқзорлар барпо қилиш ва улар орасида сабзавот экинларини экиш ҳамда кафолатли харидини таъминлаш ишлари олиб бориляпти. Президентимизнинг 22 апрелда бўлиб ўтган

видеоселектордаги эътирофидан руҳланган тадбиркор йил якунига қадар бу майдонларни 2 минг гектарга етказиш ва шунча муҳтож оилани ишга қилиш ташаббуси билан чиқди.

Қўллаб хайрли ишларни амалга ошираётган ушбу корхонага туманларимизда кўп қаватли замонавий уй-жой қуриш учун ер майдонини ажратиб беришга кўмаклашамиз.

Самарқанд шаҳридаги “Азия металл проф” корхонасининг 100 та камбағал оилани 3 ой давомида озиқ-овқат билан таъминлаш, 10 та оилаларга сугорилмайдиган ерларда уй қуриб бериш ва 100 та камбағал оила аъзосини корхонасида ишга жойлаштириш ташаббуси ҳам, албатта, саховатга яраша муносиб тақдирланади. Корхонага инвестиция киритиш шарти билан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 8 гектар ер майдонини ажратиб бериш кўзда тутилмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати, пандемия даврида вилоятдаги барча саховатпеша тадбиркорларнинг амалий ишларини “Самарқанднинг асл фарзандлари” китобини чоп этиш орқали тарғиб қилиш режалаштириляпти.

Бундай хайрли ишларни Булунғур тумани мисолида давом эттирадиган бўлсак, ҳозирнинг ўзида 405 нафар саховатпеша тадбиркор “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатида иштирок этиш иштироки билдирмоқда. Хусусан, “BULUNGUR-SANDVIK AGROFIRMA” қўшма корхонасининг 23 та камбағал оилани озиқ-овқат ва дори-дармон маҳсулотлари билан таъминлаш ва ушбу оила аъзоларини ишга қабул қилиш ташаббуси маълумланди. Умуман ол-

қишлоқ хўжалиги ишларига камбағал оилаларнинг 7,5 минг нафар аъзоси жалб қилинади.

Пандемия даврида 5,4 минг муҳтож оиланинг шахсий томорқаларида иссиқхона қуриш, кўчат ва уруғлик етиштириш ҳамда сугориш воситалари ўрнатиш учун 12 миллиард сўм субсидия маблағлари ажратилди ҳамда 29,5 минг фуқарони 21,5 миллиард сўмлик жамоат ишларига жалб қилиш чоралари қўрилади.

Бу ишларни амалга ошириш негизда карантин талабларига риоя қилган ҳолда вилоятдаги саноат ва қурилиш корхоналари фаолиятини тиклаш чоралари қўрилмоқда. Жумладан, апрель ойи бошида 5828 та саноат корхонаси фаолияти тўлиқ ўрганиб чиқилганда 1321 тасининг фаолияти қайта тикланди, 1202 таси 25 фоиз, 1346 таси 50, 559 таси 75 ва 1400 таси 100 фоиз қувватда ишлаётгани. Корхоналарга амалий ёрдам кўрсатиш натижасида 44 тасининг (439 нафар ишчи) фаолияти қайта тикланди, 100 фоиз қувватда ишлаётган корхоналар сони 25 тага (86 тадан 111 тага) оширилди, 500 нафардан ортиқ ишчи иш жойларига қайтарилди. Сектор раҳбарлари томонидан корхоналарнинг муаммоларини ҳал этиш орқали 242 та корхона фаолияти қайта тикланди ва 1374 нафар ишчи жалб этилди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирлар доимий назоратга олиниб, карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда муҳтож оилаларга моддий ёрдам бериш, уларни ишга жойлаштириш, саноат ва қурилиш корхоналарининг тўлақонли ишлашини таъминлаш чоралари секторлар кесимида давом этяпти.

Президентимиз йиғилишда ҳали ишга солинмаётган имконият ва резервларни кўрсатиб берди. Ҳақиқатан ҳам, сервис соҳасида, умумий оқватлини тармоғида, хизмат кўрсатиш, транспорт йўналишидаги фаолиятини тўхтатган ёки тушумлари кескин камайган корхоналар вилоятимизда ҳам мавжуд. Ваҳоланки, карантин шариҳотида ҳам озиқ-овқат ва товарларни етказиб бериш, кўмача савдо ва хизматларни ташкил этиш орқали бу корхоналарнинг камида 70 фоизини ишлаштининг мумкин. Шунингдек, карантин талабларига қатъий амал қилган ҳолда тўловларни қабул қилиш, сугурта, микрокредит хизматларини ҳам йўлга қўйиш чораларига тезроқ киришимиз керак.

Ўз хунармандчилиги билан бутун дунёга донни кетган қўлиғул усталаримиз санъати ва маҳоратини ошириш мақсидида махсусавий ўқув курслари ташкил этиб, ёшлар ва аёлларга хунар ўргатиш, ўз мактабига эга хунармандлар тажрибасини оммалаштириш юзасидан берилган топшириқларни бажариш бўйича мутасадди уюшма ва идоралар билан амалий режалар ишлаб чиқилипти ва тез кунда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда йўлга қўйилади.

Президентимиз белгиланган вазифаларни сифатли бажариб, одамларнинг ҳам бандлигини таъминлаш, ҳам рози қилиш кераклигини алоҳида таъкидлади. Бу фикрлар Алишер Навоий бобомизнинг “Одамий эрсанг, демагил одами, ониким, йўқ халқ ғамидин ғами” деган байтига ҳаммадан қўшимча билан ҳам саховат ва кўмак бугунги кунда одамийликнинг бош мезонига, яшаш ҳикматининг ҳаётий қоидадасига айланган.

Самарқанд аҳолиси кўп миллатли вилоят. Бу ерда турли миллатга мансуб аҳоли ҳамжиҳат бўлиб меҳнат қилади, муаммоларини яқдиллик билан ҳал этади. Демократик, вилоятимизда бошқа миллатга мансуб тадбиркорлар, фермерлар, умуман, сармомага эга инсонлар кўп. Шулар қатори улар орасида эҳтиёжманд, иқтисодий ноҳор оилалар ҳам йўқ эмас. Бу борада вилоятимиз халқи миллатидан қатъий назар, бир-бирига ога-индик кўмак беради, саховатини аямайди.

Умуман, муҳтарам Президентимиз белгилаб берган вазифалар масъулияти ва сабовини ҳар бир самарқандлик яқши тушунади ва “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатига ўзининг эзгу ишлари билан, албатта, муносиб ҳисса қўшади.

ОЛМОСЛИКЛАР ТАШАББУСИ: ФИДОЙИ МЕҲНАТ ВА САХОВАТНИНГ САВОБИ БОР

Давлатимиз раҳбари Чуст туманидаги Олмос қишлоғи деҳқонларининг фойдаланилмай ётган адирларни ўзлаштириб, сабзавот ва полиз экинлари етиштириш бўйича ташаббусини амалий кўмак билан қўллаб-қувватлади

Абдурауф ҚОРЖОВОВ

Олмос қишлоғи аҳли азал-азалдан истеъдод ва ижодкорлиги билан танилган. Бу ерда юртимизнинг таниқли ўзувчи-шоирлари ва сәнъаткорлари воёга етган, деҳқонлари миришкорлиги билан ўзига хос мактаб яратган. Ана шундай хайрли фазилатлар уларнинг бутунги саяёҳаракатларида ҳам олмос қирралари каби товганиб туради.



Табиати гўзал, деҳқончилик ҳадисини олган қишлоқда ҳозирги кунда 6 190 хонадонда 9 213 та оила, 37 мингдан ортиқ киши умргузаронлик қилади. Қиёсласангиз, кичик бир шаҳарчанинг аҳолисида қолишмайди. Олмосликларнинг томорқа майдони эса 300 гектарга яқин. Ана шу икки рақам таққосининг ўзи қишлоқда ҳар бир қарич ернинг қадри-қиммати нечоғлиқ балоғидини кўрсатиб турибди.

Олмосликлар уста деҳқон. Уларнинг сабзавот ва полиз экинларидан йилга икки-уч марта ҳосил олишлари анъанага айланган. Шу йил етиштирилган помидор, бодринг ва кўкатлари аллақачон бозор пештахталарини эгаллаган бўлса, ҳозирги кунда картошка, пиёз, қулунайларни узок-яқинга жўнатиляпти, бошқа экинлар, хаттоки тарвузларни ҳам ҳосил туга бошлаган...

Ҳақиқатан, уларнинг миришкорлиги ҳавас қилгулик. Бу тажриба қишлоқ одамларининг Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё вилоятларида мавсумий деҳқончилик билан шуғулланишларида кўл келмоқда. Чунки бу саяёҳаракатлари билан улар мазкур худудлар бозорларининг тўқинлигига ҳисса қўшгани ҳолда ўз оилалари даромадини ҳам таъминлаб келяпти.

Олмосда аҳоли сонининг тобора ортиб бориши бандлик билан боғлиқ муаммоларни кун тартибига қўйиб келяпти. Мониторинг натижалари бу ерда ашовчиларнинг 2 минг 200 нафардан ортиги доимий иш билан таъминланмаганини кўрсатмоқда. Шундай бир кезде эса қишлоқдан сал нарида — тоғ этакларидаги кенг адирлар фойдаланилмай ётибди. Уни ўзлаштириш учун, аввало, сув керак, ҳуқуқий кафолат, молиявий мадад зарур.

Олмос қишлоғининг 200 нафар деҳқони ана шу ерларнинг 400 гектарида сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш ташаббуси билан чиқди. Уни амалга ошириш учун артезиан қудуқлар қазиб, сугориш тизимини

йўлга қўйишда ёрдам сўраб, улар Президентимизга мурожаат қилди.

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 14 апрель кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишида олмосликлар ташаббусини эътироф этиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватлади.

— Шундан кейин бу борада бошланган ишларнинг моҳияти ҳам, миқдори ҳам кенгайиб кетди, — дейди Чуст тумани ҳокими ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Шавкат Йўлдошев. — Президентимиз топшириғига биноан, адирликдаги ерлар ҳолати ўрганилиб, ўзлаштириш ишларини 900 гектар майдонда олиб бориш вазифаси қўйилди. Бу ерлар Олмос билан бир қаторда унга ёндош бўлган Ахча қишлоғининг иш билан банд бўлмаган аҳолисига ҳам бир гектардан ажратилади. Ҳозир ҳам ерли, ҳам ишли бўладиган кишилар рўйхати шакллантириляпти.

Яна бир қувонарли томони, гидрогеологлар келиб, артезиан қудуқлар қазиб, сув оладиган нукталарни ўрнатиш ишларини олиб борапти. Дастлабки қудуқни қазиб бошлаб юборилди. Унинг натижалари ўрта ҳисобда 150 метр қудуқликдан зарур сувни тортиб олиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Режага кўра, 38 та қудуқ қазилиши кўзда тутилган. Ҳар бирига 150 миллион сўм атрофида маблағ кетади. Шунингдек, уларнинг мунтазам ишлаши учун сувни тортиб олувици замонавий агрегатлар ўрнатиш, энг камида беш километрдан электр тармоғи тортиб келиб, трансформаторлар билан таъминлашни тақозо қилади. Сарфланадиган маблағлар давлат бюджетидан ҳисобидан қопланиши назарда тутилмоқда.

Амалга оширила бошланган ана шу ишларнинг ўзи Президентимиз томонидан бу ташаббусга катта эътибор, кўрсатилаётганини намойиш этиб турибди. Лекин бу ҳали молиявий ва моддий мададнинг бир томони. Давлатимиз раҳбари шу билан

биргалиқда, мутасаддиларга ҳар бир оилаларга ажратилган ерни ҳайдаш, экинга тайёрлаш, уруғ, минерал ўғит билан таъминлаш бўйича ҳам топшириқлар берган. Бундай ҳиммат ва мадад олмослик билан аҳчалликларни, биринчи навбатда, ёшларни руҳлантириб, ғайратига-ғайрат қўшапти.

Бу ерда биринчилардан бўлиб иш бошлаган Севара Мамадалиева давлатимиз раҳбарининг бундай ғамхўрлигидан чексиз мамнун. У уқалари ва қўшиларини ёнига олиб, саккиз ярим гектар ерда деҳқончилик ишларини бошлаб юборди.

Шу пайтгача мавсумий ишлар билан оила тебратиб келган Севаранинг эндиликда эртанги кундан, икки фарзандининг келажагидан кўнгли тўқ. Чунки ер эгаси бўлиш, даромад олиш, элда ўзининг муносиб ўрнини топишдек орзу-ниятлари ижобат бўлмоқда.

Президентимиз 22 апрель кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишида пандемия мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётган бир кезде белгиланган вазифаларни сифатли бажариб, одамларни ҳам банд, ҳам рози қилиш кераклигини таъкидлади. Масалан, қудуқ қазиб, 26 минг гектар майдонда ташкил этиладиган боғ, тоқзор ва иссиқхоналарда 52 минг, ипақчилик тармоғида 785 минг, қурилиш ва инфратузилма соҳасида 75 минг янги иш ўрни яратиш мумкинлигига алоҳида урғу берди.

Чуст туманининг Олмос ва Ахча қишлоқларида олиб борилаётган тадбирлар бу фикрларнинг яна бир амалий тасдиғи. Туманда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ишлар кўлами кенгайиб борапти. Масалан, иш билан банд бўлмаган 99 оилалар боғ ташкил қилиш учун 30 сотихдан ер ажратилди, 100 хонадонга икки сотихлик иссиқхона қуриш учун 50 фоизли субсидия билан банк кредити берилди. Унлаб тадбиркорлар “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатида фаол иштирок этияпти.

Хушхабар



Халқаро рейтингда юқори натижа

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ, ТИҚХММИ матбуот хизмати раҳбари

Мамлакатимизда олий таълим тизимини ислоҳ қилиш борасидаги саяёҳаракатлар ўз натижасини кўрсата бошлади. Бунини юртимиздаги олий таълим муассасаларининг таълим сифатини кузатиб борувчи халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилаётганида яққол кўриш мумкин.

“Times Higher Education” рейтинг агентлиги томонидан шу йил 20 апрель кунини дунё университетлари рейтингини — “University Impact Ranking-2020” натижалари эълон қилинди. Мазкур рейтингда

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини “clean water and sanitation”, “life on land” йўналишлари бўйича дунё университетларининг умумий рейтингига 201+

ўринни қайд этди. Ҳозир Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини Ўзбекистон тарихида иккинчи йирки — THE ва QS рейтинг агентликларини томонидан тан олинган ягона олий таълим муассасаси ҳисобланади. Утган йилнинг 14-15 октябрь кунлари Литваннинг Каунас шаҳрида “QS in Conversation” саммитида “Ривожланаётган Европа ва Марказий Осиё” рейтингини эълон қилган. Унда мамлакатимизда биринчи бўлиб Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини мазкур рейтингда 301+ ўринга муносиб қўрилган.

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ва ДАРОМАДИ КЕСКИН КАМАЙИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ масалаларига бағишланди



Абубакир ҲОЗОВ

Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессиясида куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирокида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги вазифалар юзасидан амалга ошириладиган ишлар, "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати нима мақсадда ташкил этилгани, пандемия ва инкироз даврида Ўзбекистонда иқтисодий вазият муҳокама қилинди.

Унда спикерлар — Бош вазир ўринбосари, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазиси Жамшид Қўчқоров, молия вазистри Тимур Ишметов, Марказий банк раиси Мамаризо Нурмуратов, соғлиқни сақлаш вазистри Алишер Шодмонов, Савдо-саноат палатаси раиси Адхам Икрамов, Тошкент шаҳри бош имом-хатиби Нуриддин домла Холиқназаров иштирок этди.

Президентимиз раислигида 22 апрель куни аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромади кескин камайишининг олдини олиш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда коронавирус инфекциясига қарши кураш доирасида юртимизда амалга оширилаётган ишларга яна бир бор алоҳида тўхталиб ўтган эди. — Коронавирус пандемияси шиддат

билан тарқалгани 2020 йилги иқтисодий режаларимизга ўз таъсирини ўтказмай қолмади, — дейди иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазистри Жамшид Қўчқоров. — Лекин жиддий муаммолар йўқ. Охириги йиллардаги иқтисодий ислохотлар натижасида иқтисодий кўрсаткичларимиз анча ўсди. Бу мамлакат қудратининг барқарорлигига олиб келди. Сўнги уч йилда олтин захирамиз 3 миллиард долларга ошганини халқаро рейтинг агентликлари ҳам эътироф этмоқда. ЯИМ биринчи чорақда 4,1, инфляция 2,8 фоиз ўсди. Саноат маҳсулотлари 4 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши қариёб 4 фоиз кўпайди. Ийль якунигача иқтисодий ўсиш 1,5-2 фоизни ташкил этиши,



инфляция эса ўтган йилгидан пастроқ бўлиши кутуляпти.

— Мамлакатимизда мазкур касалликка чалинган беморлар, касалликка гумдорларига давлатимиз томонидан бепул тиббий ёрдам кўрсатилмоқда, — деди соғлиқни сақлаш вазистри Алишер Шодмонов. — Бу ишларда давлатимиз, турли тadbirkorлик субъектлари катта

молиявий кўмак бераётгани таҳсинга сазовор. Утган йил декабрь ойида шу мавзу очилган бўлса, жорий йил бошидан бошлаб илк аломатлар кўрина бошлади. Президентимиз бу ҳолатни тўғри англаб, махсус фармон ва қарорлар қабул қилди. Бу эса карантин даврида коронавирუს инфекциясига қарши ишларни тизимли амалга оширишда

муҳим омил бўлди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бу савй-ҳаракатларда бизга катта ёрдам бермоқда. Айнакча, карантин эълон қилингани, халқимиз саломатлигини уйлаб кенг қўламли чеклов жорий этилгани касаллик тарқалишига тўқтинлик қилди. Ҳозир касалликка чалинган беморлар аста-секин тузалмоқда.

Маълум қилинишича, шифокорлар учун химоя воситалари, шифохоналар қуриш, жиҳозлаш, янги клиникалар, карантин мажмуалари ташкил этиш учун 3,5 триллион маблаг ажратилди ва сарфланяпти. Ҳозиргача эса 600 миллиард сўм ҳимойлик ёрдами йиғилди. "Ўзбекистон Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди орқали 72 миллиард сўм маблаг жамланди.

— Тиббиёт муассасалари қурилиши учун 407 миллиард сўм ажратилди, — деди молия вазистри Тимур Ишметов. — Ижтимоий химоя, яъни жамоат ишларини ташкил этиш учун биринчи босқичда 50 миллиард сўм берилди. Аслида 200 миллиард маблаг ажратиш белгиланган эди. Касаба уюшмалари федерациясига 100 миллиард берилиши кўзда тутилган эди, ҳозир 60 миллиард ажратилди. Газ, сув, электр энергияси хонадонларда узулкис бўлиши учун ташкилотларни қўлаб-қувватлаб туриш шарт.

Вирусдан холи ҳудудлардаги бир қатор саноат корхоналарида, қуриши майдонларида, фермер ва кластер ҳўжаликларида санитар-эпидемиологик нормаларга қатъий амал қилинган ҳолда, ишлар аста-секин бошланди. Ҳозирги пайтда аҳолининг кўмакка муҳтож қўлаб-қувватлаш мақсадида "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш учун амалий ишлар бошланди.

— Ҳозир аҳоли саломатлигини сақлаш бўлимида фаолиятга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Тadbirkorликни қўлаб-қувватлаш борасида барча чоралар қўрилган. Минглаб тadbirkorларимиз ўз ихтиёри билан саховат қилмоқда. Бугунги синовли кунларда 3 минг 800 нафар тadbirkorнинг ижара тўловлари жорий йилнинг сентябрь ойигача олинмади.

Суҳбат давомида тadbirkorлар ҳам ўз фикрларини билдирди. Журналистларнинг саволларига спикерлар жавоб қайтарди.

Давра суҳбати

Пандемияга бағишланган ХАЛҚАРО ОНЛАЙН анжуман

Ўзбекистон ва хорижлик мутахассисларни бир нуқтада жамлади

Ирода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Тошкент давлат шарқшунослик университетига "Пандемияга қарши кураш шароитида халқаро ҳамкорлик: Ўзбекистон ва халқаро таъриб" мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Онлайн ташкил этилган илмий-амалий анжуманда 7 та мамлакат — Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Германия, Қозғоғистон, Словения, Мисрдан 92 нафар вакил иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги "Шарқшунослик тизимида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ошириш чора-тadbirkorлари тўғрисида"ги қарори асосида Тошкент давлат шарқшунослик институти негизига Тошкент давлат шарқшунослик университети ташкил этилиши ҳамда мазкур олий ўқув юртига хорижий ҳамкорлар билан биргаликда илмий тadbirkorлиги ишларини олиб бориш бўйича юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган онлайн давра суҳбатидида ушбу илм даргоҳи билан бир қаторда, республикамизнинг турли олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, тadbirkorчилар, магистратура ва бакалаврият талабалари, сиёсий фанлар соҳасида илмий тadbirkorлар олиб борувчи шарқшунос олимлар қатнашди. Улар хорижий давлатларнинг халқаро муносабатлар бўйича етакчи экспертлари билан бугуннинг долзарб мавзуси юзасидан онлайн фикр алмашди.

2020 йилда Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги каби хорижий молия институтилари томонидан юртимизга йўналтирилган 2,7 миллиард АҚШ долларни маблагни ўзлаштириш режалаштирилгани, мазкур ташкилотлар пандемия билан кураш учун соғлиқни сақлаш соҳасига 277 миллион АҚШ долларни ажратётганини маълум қилди.

Онлайн суҳбат давомида халқаро ташкилотлар ҳам юртимизга керакли кўмакни беришга доим тайёр эканлигини билдирди. Шу билан бирга, хорижлик мутахассислар мамлакатимизда пандемияга қарши кураш доирасида олиб борилаётган аниқ чора-тadbirkorларга юқори баҳо берди.

— 2003 йилдан буён АҚШнинг Ўзбекистондаги иккита ташкилотиди раҳбар сифатида фаолият юритиб келаман. 2011 йилда юртимизда марказимизнинг бир бўлими очилди, — деди Словениянинг "Минтақавий мулоқот" халқаро маркази директори Мьюша Север. — Ўзбекистонда инкирозга қарши кураш бўйича масъуларнинг айна пайтдаги фаолиятини юқори баҳолайман. Глобализация пандемиянинг бу қадар кенг авж олиб кетишига қулай шароит яратиб берди. Ўзбекистон мисолида халқаро очилклигининг бугунги даражаси қатор бюрократик тўқтинларни бар-тароф этишга олиб келди. Мен баъзи ижобий жиҳатлар ва қийинчиликлар ҳусусида ўз фикримни билдирмоқчиман. Биринчиси, бошқарушни ташкиллаштиришда ҳар бир шахсни қамраб олиш қийинчилигидир (яъни ҳажм муаммосу). Қўлаб иш ўринлари ёпилди. Аҳоли ўз уйида. Карантин вақтида инсонларга ўзини ўзи изоляция қилиш буюрирди. Бундай шароитда халқни тўғри ва аниқ маълумотлар билан таъминлаш талаб этилади. Ўзбекистон ҳукумати карантин вақтида тўғри йўл тутиди. Оммавий эҳборот воситалари билан алоқани йўлга қўйди. Мен ўз ҳукуматимга Ўзбекистон таърибасини намуна сифатида тавсия этаман.



— Пандемия туфайли инсон ҳавфсизлиги масаласи бирламчи бўлган глобал халқаро ҳавфсизлик архитектурасининг янги тизими шаклланди. Бу, ўз навбатида, минтақавий ва халқаро мижозларни ҳал қилиш йўлидаги савй-ҳаракатларда ижобий натижаларга эришишга кўмак беради. — деди АҚШнинг Ж.Маршал номидаги Хавфсизлик масалаларини ўрганиш Европа маркази профессори, сиёсий фанлар доктори Грегорий Глисон. — Дарҳақиқат, пандемия даврида эътиборга олишимиз керак бўлган энг асосий омил инсон ҳавфсизлигидир. Шунингдек, пандемияни энгилдида, аввало, ҳар бир давлат ўзининг иқтисодий-сиёсий ҳолатини аниқ баҳолай олиши лозим. Ҳозирги шароитда айрим давлатлар иқтисодиёти инкирозга юз тутмоқда. Бу кўпроқ экспорт масаласи билан боғлиқ. Уйлашимча, Ўзбекистон ҳукумати бу масалаларни самарали ҳал этишга эришмоқда.

— Марказий Осиё давлатлари борасида Ўзбекистон қисқа вақт ичида орача ресурсларини сафбар эғиб, мамлакатда коронавирუს тарқалишининг салбий оқибатларига қарши чора-тadbirkorлар дастурини қабул қилди. — деди Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик институти илмий ходими, тарих фанлари номзоди Станислав Пritchин. — Республикада олиб бориладиган инкирозга қарши кураш ишлари натижасида айна пайтда Ўзбекистон қатор давлатларга гуманитар ёрдам ҳам бермоқда. Шундай оғир вазиятда давлатларнинг бир-бирини қўлаб-қувватлаётгани инсониятнинг пандемияга қарши олиб бораётган умумий курашида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Онлайн суҳбат давомида хорижлик вакиллар ўз мамлакатларида коронавирუს инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича қилинаётган ишлар хақида ҳам гапирди. Tadbirkor якунида барча иштирокчилар бу борадиги халқаро ҳамкорлигининг бугунги шарт-шароитлари ва постпандемия муносабатлари, шунингдек, дунё давлатлари, жумладан, Ўзбекистоннинг инкирозга қарши чора-тadbirkorлиги ва унинг салбий оқибатларини бартароф этишга қаратилган савй-ҳаракатлари борасидаги масалаларнинг халқаро даражада муҳокама қилинишини ташкил этгани учун Тошкент давлат шарқшунослик университети жамоасига миннатдорлик билдириб, буларнинг барчаси, ўз навбатида, пандемияга қарши курашиш бўйича халқаро ҳамкорлиқни қулайлаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Тил — миллий ғуруримиз

Тилаклар ҳам тил туфайли

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ, Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти матбуот хизмати раҳбари, филология фанлари номзоди, доцент

Конун сўзи қудратли сўз. У барчани сергақлантиради, иттоат эттиради. Киши эғтиборини тортувчи куч бор унда. Айни пайтда унга сўзсиз бўйсунмиш, уни ҳурмат қилиш талаби ҳам бор. Ҳар бир давлатнинг тараққиётини таъминлайдиган тарихий ҳужжатлари — қонун, қарор, фармон ва фармойишлари бўлади. Қарор, фармонлар тез-тез алмашиб туриша ҳам давомийлиги, "умри узунлиги" билан характерланадиган бу қонундир.



Муайян соҳа ёхуд жабҳага оид қонунлар уша тизимнинг ривожини таъминласа, шундай ҳужжатлар борки, улар бутун бир халқнинг руҳиятини, миллатнинг қиёфасини ўзида мужассам этади.

Шубҳасизки, Президентимиз томонидан "Ўзбек тили байрамини кунини белгилаш тўғрисида"ги қонун имзолангани ва шунга қара, 21 октябрь Ўзбек тили байрамини кунини эғиб белгилангани тарихий ҳодиса сифатида баҳолашнинг ўринлидир. Ушбу қонуннинг яна бир аҳамияти, рамзий жиҳати шундаки, қонун айна Абдулла Қодирий таваллуд тоғлан кунда имзоланишидир. Бу давлатимиз раҳбарининг миллат тилига эғтибори ва эғтиборининг юксак нишонасидир. Бунинг исботини ўтган йилги ҳам қўйгандик. Қамина ҳам ана шу тadbirkorлиги иштирок этганди. Утган йилги 21 октябрь кунини мухташам анжуманлар саройида ўтказилган тантанали тadbirkor айна "Давлат тили қаҳида"ги қонун қабул қилинганининг 30 йиллиги муносабати билан боғлангани беэиз эмас эди. Ушунда Президентимиз "21 октябрь Ўзбек тили байрамини кунини деб эълон қиламан", деганида ҳамма тўпқинлашиб, хурсандлигидан ўрнидан қалқиб, юзу кўзларидан нур балқиб тургани ҳамон ёдимда.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу ташаббуси давлат тилига нописандлик билан қараб келган қатламга қарши қашқатқач зарба ҳам эди. Зеро, миллатни руҳидан, яъни она тилидан бебаҳра қолдириш уни гумроҳ қилишидир. Ижтимоий-маънавий зарурияти эди. Истифода этилмаган нарса аста-аста унутилади. Тула истеъмолда бўлмаган тил ўлимига маҳкум. Шунинг учун ҳам тил масаласида эғтиёж ва зарурияти мўҳимдир.

Атоқли адиб Даниел Дефо эғтиёж кишини буюк кашфиётчиға айлантиради, деган маъмулдаги фикрини келтиради. Тасаввур қилинг, Робинзон Крузо бир ўзи (Жумабойни истисно қилганда) 28 йилдан зиёд мўдат мўбайнида қимматсиз оролда яшайди. У ўша оролнинг кирмиси ҳам, қароли ҳам, сувчиси ҳам, овчиси ҳам, боғбони, дехқони, қораводри ҳам бўлди. Чунки уни бу қўйга солган нарса яшаш учун кураш эғтиёжи, тирик қолиш, жонини сақлаш зарурияти эди. Истифода этилмаган нарса аста-аста унутилади. Тула истеъмолда бўлмаган тил ўлимига маҳкум. Шунинг учун ҳам тил масаласида эғтиёж ва зарурияти мўҳимдир.

Шу ўринда буюк мутасаввуф Жаловиддин Румийнинг қуйидаги биткиларини келтириш ўринлидир: "Ёрда бир ҳайвонча

тафаккур тарзи она тилида бўлмаса, давлат тилига муносабат, мурожаат қўнгилда-гидек бўлмайди.

Бунинг учун таълим муассасаларида тил қоидаларини чуқурлаштиришдан кўра, ўқувчиларда фикрни равои ёфода эғиб кўнкимаси ва малакасини ҳосил қилиш йўллари қаҳида бош қотириш ўринлидир. Демак, назарий филологиядан кўра, (шу ўринда чуқурлаштирилган грамматикани назарда тутямиз), амалий филологияга ўтиш ва уни ҳаёт тарзиға айлантириш, ўқув ва иш жаҳанлариға эғишмас эканмиш, бари-си бехуда бўлиб, гап гаплиғиға қолаверади. Тил ва нутқ имкониётларидан тула фойдаланишни билмаганимиз боис, мулоқот ва муомала, сўзлашув жаҳанларида нутқий нуқсонларимиз етарли ва айтарлидир.

Қуш ҳам қўш қаноати билан парвоз қилгандек, саводхонликнинг ҳам икки қаноати бор. Бирини оғзаки нутқ бўлса, иккинчиси, ёзма нутқ маданиятидир. Ҳар иккаласининг амалий тарзда халқ ҳўжалигининг барча жабҳаларида, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жаҳанда, ҳатто халқаро майдонда, бошқарув тизими ва раҳбарлик фаолиятини тула қўлашишиға эғишмас эканмиш, бари-си бехуда бўлиб, гап гаплиғиға қолаверади. Тил ва нутқ имкониётларидан тула фойдаланишни билмаганимиз боис, мулоқот ва муомала, сўзлашув жаҳанларида нутқий нуқсонларимиз етарли ва айтарлидир.

Ушбу қонун эндиликда бизнинг олдимизга бир қатор вазифаларни қўйиши тайин. Булар интернетда ўзбекча контентни кескин кўпайтириш, ўзбек тилидаги веб-сайтлар, электрон кутубхоналар сонини кўпайтириш, сифатини ошириш, миллий кино ва театр, маданий соҳада кескин ўзгаришлар яшаш, кўча-қўйлардаги, пештахталардаги ёзувларни танқидий қўриб чиқиш, фикрни эмин-эркин ва равои ёфода эғиш қобилиятини ўстиришға дахлдор бўлган нотуқлик санъати ва нутқ маданиятини ривожлантириш, имловий саводхонликимизни ошириш қабиларидир.

Тилимизнинг барча жаҳанларда фаол қўлашишиға эғишмаганимизча ҳеч қандай сифат ва самара бўлмастлиғи аниқ. Демак, тил билан олдинға интиламиз. Бунинг учун ўзликча эғаб бўлишға ҳалал берувчи омилларға лоқайд бўлмастлиғимиз керак. Инсоннинг ўзлиги учун қўзу учун сўзлиғидир. Кимнинг кимлигини билдируви ойнаи жаҳони ҳам унинг тили. Инсоннинг икки оғиз сўзданок, унинг онги, савияси, билими, қизиқиш олами, табиати ва тайнатиини англаб олиш қўйин эмас. Халқимизнинг "Ўзинға қараб кутарлар, сўзинға қараб кутарлар", деган мақоли замирида ҳам ана шу ҳақиқат яширин.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бутун дунё аҳолисиға ташвиш келтириб, ҳавф солаётган коронавирус пандемиясига қарши кураш ва чора-тadbirkorлик кетаётган айна дама, уларни ҳал этиш бораринида диққат-эғтиборини давлат тили масаласига қаратгани ҳам Президентимизнинг эғтиборлиғи ва тилпарварлиғи нишонасидир.

Бундан кейин 21 октябрь шунчаки байрам сифатида нишонланганина қўлай, балки ҳар йили тилимизнинг жаҳон миқёсидаги рутбаси борасида қандай ишлар амалға оширилиши борасидаги ҳисобот ҳам бўлишиға ишончимиз қомил. Чунки тил масаласи давсимий мавзу эмас, халқнинг тарихи, таъриби ва тараққиёти масаласидир. Худди шу масалаларнинг амалдаги ифодасини таъминлашни назарда тутган ҳолда, Президентимиз ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг ташкил этилиши давлат тили борасидаги муаммоларға ечим топиш, амалий ҳаракат, натижа ва самараларға гаров бўлишиға замин ҳозирлаш демақдир.

Бугуннинг гапи

Халқимизга хос чидам, ақл-заковат ва имон-эътиқодимизни намоён этайлик!

Нуриддин домла ХОЛИҚНАЗАРОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг
Тошкент шаҳар вакили,
Тошкент шаҳар бош имом-хатиби

Бугун жаҳон оммаси коронавирусга қарши курашиб турган ҳозирги пайтда юртимизда ҳам ушбу балодининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар жадал олиб борилмоқда. Бу ишлар нафақат расмий идора вакиллари, балки қалбида имони бор ҳар бир мўмин-мусулмоннинг ҳам муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Саломатлик неъматини қадрлашни ўрганаёлик!

Расулulloҳ с.а.в. бизларга таълим бериб, бундай марҳамат қилганлар: *“Икки неъмат борки, одамлар унинг ҳеч қадрига етмайдилар. Биттаси хотир-жамлик бўлса, иккинчиси сиҳат-саломатлик”*. Бугунги кунда ушбу ҳадис ҳар биримизни ўйлашга, фикрлашга чорлайди. Аллоҳ таоло берган сиҳат-саломатлик неъматларини яна бир бор қадрлашни ўрганиш керак. Энг аввало, инсон ўзининг саломатлигини асраши лозим. Шунинг баробарида ўзгалар соғлиғига ҳам масъулдир.

Ҳадисларга мувожаат қилганидан бўлса, **Пайғамбаримиз алайҳиссалом бир ҳадисларида мўминларни сифатлаб бундай деганлар: “Мўминлар ўзаро дўстликда, ўзаро алоқаларда раҳм қилишлари ва бир-бирларига меҳр кўрсатишларида худди инсоннинг бир жасадига ўхшайди. Ундаги бир аъзо хаста бўлса, жасаднинг қолгани унга қўшилиб бедор бўлади ва иситмайлади”**. Ушбу ҳадисдан кўриниб турибдики, агар биргина бармоғимиз оғривса, бутун танамиз қийналади. Демак, биз мўмин-мусулмонлар битта вужуд қабимиз. Бир мусулмон оғривса, ҳаммамиз шунга бефарқ бўлмаслигимиз керак, ҳаммамиз бедор бўлишимиз керак.

Минг афсуски, гуруч курмакис бўлмаганидек, бошимизга мусибат етиб турганида, ундан ўз нафси йўлида фойдаланман, деганлар ҳам орамизда йўқ эмас экан. Бозорларда, савдо шохобчаларида айнан пандемия шароитида маҳсулотларнинг нархларини кўтарилганларга гувоҳ бўлиб қолмадик. Ахир чин мўмин ўз биродарининг мусибатидан фойдаланмайди. Унга кўмак беради, сила раҳм қилади. Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларни бир-бирларига ёрдам беришга чақиради. **Пайғамбаримиз с.а.в. бундай деб марҳамат қилган: “Ким бир мўмин-мусулмон биродарининг бу дунёдаги қийинчилигини аритишга ёрдам берса, қиёмат қийинчилигида Аллоҳ ўша бандога ёрдам беради”**.

Дуоларимиз ижобат бўлмай!

Бугун коронавирус пандемияси шиддат билан тарқалиб, унинг географик ҳудуди кенгаётган ва одамлар орасида ваҳимаси кучаяётган пайтда дунё ислом уламолари касалликнинг шаръий муолажаларини эслатмоқдалар.

Бундай ҳолатларда мусулмон киши Аллоҳ таолонинг тақдир қилгани юзига чиқишига қаттиқ ишонган ҳолда касалликдан сақланиш чораларини кўради. Вабо ва шу каби тез тарқаладиган касалликлар чиққан жойга киришмайди ва қаттиқ зарурат бўлмаса, у ердан чиқиб кетилмайди.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг вабо ҳақидаги сўзлари юқоридаги фикрларнинг тасдиғидир. У зот алайҳиссалом бундай деганлар: “Албатта, бу вабо — Аллоҳ таоло билан аввалги қавмларни ҳалок қилган азобдир. Ер юзидан ундан бир ози қолган. Гоҳида келади, гоҳида кетади. Агар бир ерда вабо пайдо бўлса, у ердан чиқиб кетманглар. Агар бир ерда вабо борлигини эшитсангиз, у ерга борманглар” (Имом Аҳмад ривояти).

Ривоят қилишларича, Мадинага хижрат қилингандан кейин бир мuddат ўтгач, Абу Бакр ва Билол розияллоху анҳумо-ни иситма (безгак, вабо) тутди. Бу ҳақда Пайғамбаримизга хабар берилганда, у зот алайҳиссалом вабонинг кўтарилиши ва Жужфа деган жойга кетишини сўраб дуо қилдилар. Аллоҳ таоло у зотнинг дуоларини қабул қилди (Имом Байҳақий ривояти).

Вабо ва ўлат (эпидемиялар) сабабидан вафот этган мусулмонлар ҳақида Пайғамбаримиз алайҳиссалом бундай деганлар: “Вабо — ҳар бир мусулмон учун шаҳидликдир” (Имом Бухорий ривояти).



Бу ойда закот, фитр-садақотларимизни, ният қилиб қўйган ифторликларимизни етим-есир, ночорларга берайлик! Зеро, Аллоҳ таоло Қуръони каримда “Эҳсоннинг мукофоти эҳсондир”, дея марҳамат қилган.

Банданинг бошига келадиган касаллиги ташвишларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг тақдир илоҳийсидир. **Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам:** “Қазои қадарни дуоғина қайтаради”, деганлар (Имом Ибн Можа ривояти).

Дуо ижобат бўлиши учун, аввало, инсоннинг лўқмаси ҳалол бўлиши, дуосининг қабул бўлишига қатъий ишониши ва дуо ижобат бўладиган муборак вақтларни эътиборга олиши лозим.

Ҳадиси шарифларда инсон бирор мусибат ёки касалликка йўлиққанда ўқийдиган махсус дуолар ҳам келган. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Кимки: “Унинг исми тугайли еру осмонда бирор нарса зарар бера олмайдиган Аллоҳнинг номи билан паноҳ сўрайман. У ўта эшитувчи ва билувчи зотдир”, деб уч марта айтса, унга бирор нарса зарар бермайди”, дедилар (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

Зикр ва истиғфорни кўп айтиши Унинг турли бало-қазолардан омонда юришига сабаб бўлади. Аллоҳ таоло “Анфол” сура-сида бундай марҳамат қилган:

“Модомики, улар истиғфор айтар эканлар, Аллоҳ уларни азобловчи эмас”.

Аллоҳ таоло дунёдаги мўмин-мусулмонларни, жумладан, юртдошларимизни турли бало-офатлардан паноҳида асра-син, дуоларимиз ижобат бўлсин!

Рамазон — раҳмат ва баракот, хайр-саховат оий

Ўзбекистон Республикаси Президенти кўни кеча имзолаган “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги қарорда бу ойда ёрдамга муҳтож ва эҳтиёжманд шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалар ва маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш

билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият бериш лозимлиги таъкидланган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ташаббуси илгари сурилгани муборак Рамазон ойида миллатимизга хос азалий қадриятларимизни намоён этишга ундайди. Айни дамда бу ташаббусни юртимизнинг саховатпеша инсонлари, тадбиркорлар ва ишбилармонлар қўллаб-қувватламоқда бу йўлда улар ўз маблағларини аямаяпти. Зеро, ҳар қандай эзгу-амалнинг мукофоти борлигини улар яхши билади.

Ҳазрат Оиша онамиздан (розияллоху анҳо) ривоят қилинади: **Набий (соллаллоху алайҳи васаллам) айтди: “Сахийлик бир дарахтдир, унинг томирлари жаннатда, шохлари эса дунёга тушгандир. Ким унинг бир шохига осилса, у ҳам жаннатга олиб боради. Бахиллик ҳам бир дарахт, томирлари дўзахда ва шохлари дунёга тушган. Ким унинг бир шохига осилса, уни дўзахга олиб боради.**

Шундай синовлари кўнларда Аллоҳ йўлида хайр-эҳсон қилаётган тадбиркорларимиз жаннатдан тушган дарахт шохларини ушлаб турибди.

Авалроқ, яъни 2020 йил 13 апрель кўни Ўзбекистон мусулмонлари идораси уламолар кенгашининг коронавирус пандемияси шароитида Муборак Рамазон ойини ўтказиш тўғрисидаги баёнотида таровеҳ намозлари ва бошқа ибодатлар уйда ўтказилиши белгилаб берилган.

Гарчи бу йил коронавирус пандемияси сабабли масжидларимизда таровеҳ намози ўқилмаётган бўлса-да, бу биз учун имкониятлар эшиги ёпилди, Рамазоннинг фазилатларидан баёхара қолдик, дегани эмас. Фақатгина Аллоҳ таоло берган бу мусибатни Аллоҳ ва Унинг расули буюрган таълимот асосида, ислом динининг кўрсатмаси, мўминга хос ақл-идроқ, илм ва фаросат билан муайян муддатга баъзи чекловлар ўрнатилди, холос.

Рамазон ойининг фазилатлари таъбирланганда, бу ойда мусулмон кишига бериладиган санокис раҳмат ва баракотлар ҳақидаги хушxabарларнинг саногий йўқ. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **“Албатта, Рамазоннинг ҳар кунини барча мусулмонлар учун қабул бўладиган бир дуо бор”**, деганлар (Имом Аҳмад ва Баззоз ривояти). Агар бу дуо рўза пайтида, айниқса, ифтордан салгина олдин қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Яна Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам айтди: **“Уч кишининг дуоси қайтарилимайди: адолатчи имом, рўзодор то ифтор қилгунча ва маълуминг дуоси”** (Имом Термизий, Ибни Можа, Имом Аҳмад, Байҳақий ва Ибни Ҳиббон ривояти).

Шуни унутмаслик керакки, Рамазон ойи ҳар доимгидек ўз фазилатлари билан, барака ва раҳматлари билан келади. Аллоҳ таолонинг раҳмати ва мағфират эшикларини ҳеч қачон ёпилмайди. Ибодат, дуо ва илтижолар учун махсус жой, махсус макон талаб этилмайди. Баракот ойини оиламиз даврасида, фарзандлар қуршовади ўтказ-сак, уларга қўлимиздан келган таълим ва тарбияни беролсак, таровеҳ намозларини улар билан биргаликда адо қилиб, Рамазоннинг охиридаги кўнларни эътиқофларда ўтириб ўтказсак, иншооллох, бу ойдан ҳам гуноҳлардан пок ҳолда чиқамиз. Шундай экан, бу синовлари кўнларда қўлимиздан келган барча сабабларни қилиб, Аллоҳ таолога дуо ва илтижолар билан Рамазон ойидан унумли фойдаланиб, бу синов, бу дард ва мусибатни тезроқ аритишни сўрашимиз керак. Иншооллох, тез фурсатда барча қийинчиликлар ортда қолади.

Бу ойда закот, фитр-садақотларимизни, ният қилиб қўйган ифторликларимизни етим-есир, ночорларга берайлик! Зеро, **Аллоҳ таоло Қуръони каримда “Эҳсоннинг мукофоти эҳсондир”, дея марҳамат қилган.** Аллоҳдан илтижо қилиб сўрайликки, бу синовдан халқимизни эсон-омон ўтказсин, беморларимизга шифо қомил берсин. Уларни тез кўнларда сафимизга қайтарсин. Масжидларимиз яна жамоатларга тўлсин, фарзандларимиз билим даргоҳларига қайтсин. Кириб келадиган муборак Рамазон ойини Аллоҳ рози бўладиган ҳолатда, оиламиз бағрида ўтказишимизни муваффақ айласин. Барчаларимизни аҳил-иноқликда, ҳамжихатликда умргузаронлик қилиб, берган неъматларининг шукрини адо қилиб яшамоққа насиб айласин!

Пўлат БОБОЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири

Ҳозирги кунда Президентимиз ташаббуси билан коронавирус пандемиясига қарши курашиш, мавжуд эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириш бўйича мамлакатимизда муҳим дастурлар ва чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияга карантинга олинган фуқаролар назоратини таъминлаш вазифаси юклатилди.

ҲАМЖИҲАТЛИК, СОБИТҚАДАМЛИК — ИСЛОҲОТЛАРГА ҚАНОТ

Вилоят, шаҳар ва туман, 4 та сектор раҳбарларининг эпидемиологик осойишталик учун шахсий жавобгар экани расмий белгилаб, улар коронавирус инфекциясининг тарқалишига йўл қўймаклик, карантин режимини бузишнинг барча салбий оқибатларини аҳолига тушунтириш бўйича туну кун ишларни ташкил этмоқда.

Аҳоли ўртасида мунтазам тарзда огоҳлантириш ва тушунтириш ишлари олиб борилаётганига қарамай, жойларда фуқаролар томонидан карантин қоидалари бузилаётганини афсус билан айтиш керак.

Ҳозиргача 92 847 та ана шундай ҳолат аниқланди, 442 киши карантин ҳудудини ташлаб кетгани маълум бўлди. Карантин вақтида айрим масъулиятсиз шахслар 34 та турили оммавий маросим ўтказди. Бутун халқимиз ҳаётга хавф солаётган бундай номаъқул ишларга нисбатан кескин чоралар кўрилди.

Президентимиз раислигида қишлоқ ҳўжалиги тармоқларини янада ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселекторда бу йил қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси вакиллари учун катта синов ва кенг имкониятлар йили бўлиши қайд этилди. Пандемия ва карантин қанча вақт давом этишидан қатъий назар, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи камайгани боис, мева-сабзавотчилик ва чорвачилик тармоқларида маҳсулот етаситириш ҳажминини икки баробар ошириш вазифаси белгилаб олинди.

Бу йўналишда берилган топшириқлар ижроси доирасида барча ҳудудларга озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, дори-дармонларни тўла-тўкис етказиш, ишлаб чиқариш объектларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш ҳамда иқтисодиётнинг реал секторига коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини юмшатиш мақсадида жорий йил 15 апрелдан бошлаб республика ҳудудида коронавирус пандемияси вақтида иқтисодиёт, саноат, озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги юк ва йўловчи транспорт воситаларининг ҳаракатланишини ташкиллаштириш ва мониторингини таъминлаш бўйича Ички ишлар вазирлигининг тезкор штаби ва унинг ҳудудий ишчи гуруҳлари тузилди.

Тезкор штабга ички ишлар вазирлигининг биринчи ўринбосари, ишчи



гуруҳларга тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлик қилиши, барча бўғиндаги йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимининг бошлиқлари тезкор штаб ва ишчи гуруҳ раҳбарларининг ўринбосари сифатида фаолият юритиши, тезкор штаб ва ишчи гуруҳлар ўз фаолиятини сутка давомида узлуксиз равишда амалга ошириши белгиланди.

Тезкор штаб ва ишчи гуруҳларнинг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгиланди:

— иқтисодиёт, саноат, қурилиш, озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги N1, N2, N3, M1, M2, M3 тоифасидаги транспорт воситаларининг келишилган рўйхатлари асосида узлуксиз ҳаракатланишини таъминлаш ва бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш;

— зарур ҳолларда стратегик ҳомаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонларни ташиниши, тегишли объектларнинг ишчи-хизматчиларини белгиланган манзилга етказиши Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигини тегишли бўйриқ талаблари асосида йўл-патруль автотранспортлари кузатуви остида амалга ошириши таъминлаш;

— тезкор штаб ва ишчи гуруҳларга юклатилган вазифалар ижроси ҳақида ҳар кун юқори идораларга маълумотларни тақдим этиш.

Стратегик ҳомаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ва коронавирус пандемияси вақтида ҳаёт маромини белгиловчи объектлар ишчи-хизматчиларининг белги-

ланган манзилга йўл-патруль автомашиналари кузатуви остида етиб боришини таъминлаш учун ҳудудий ҳокимликлар, солиқ, соғлиқни сақлаш, қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги идоралари ҳамда ёқилиш-энергетика, металлургия, кимё ва нефть-кимё корхоналари билан узвий ҳамкорлик ўрнатилиб, республикада иқтисодиёт, саноат, озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги N1, N2, N3 тоифасидаги транспорт воситалари юк ташишда махсус рухсатнома ва бошқа қўшимча талаблар қўйиш

ҳолатларига қатъий чек қўйилиб, ҳеч қандай тўсиқларсиз ҳаракатланиши чоралари қўрилмоқда.

Шу билан бирга, M2 (8 нафар йўловчидан ортиқ) ва M3 (22 нафар йўловчидан ортиқ) тоифасидаги транспорт воситаларига йўловчи ташишда махсус рухсатнома талаб этилмаган ҳолда, лекин ҳаракат жадвали, аниқ манзили ва мақсади кўрсатилган юридик шахснинг биринчи раҳбари томонидан имзоланган ҳужжат (маълумотнома, хат ва бошқалар) билан республика ҳудудида, туманлар ва шаҳарларро, вилоятларро ҳамда Тошкент шаҳрида ҳаракатланиши тўсиқларсиз амалга оширилиши назоратга олинди.

Йўловчи ташви фаолияти билан шуғулланиш лицензиясига эга бўлган йўналишсиз таксиларга (шу жумладан, шахсий давлат рақамли автотранспорт воситалари) йўловчиларсиз, етказиб бериш хизмати (курьер, кейтеринг)ни фақатгина озиқ-овқат, дори-дармон, тиббий буюм ва воситалар, шунингдек, биринчи навбатдаги зарур маҳсулотлар бўйича кўрсатишга рухсат берилди. Бунда кўрсатилмаган маҳсулотларни ташини (етказиб бериш) бўйича хизматларни кўрсатиш тақиқланди.

Эндиликда ҳар бир йўл-патруль хизмати маскани, блок пост ва тўсиқ постларда аҳоли истеъмоли учун мўлжалланган озиқ-овқат ва тиббий маҳсулотларнинг белгиланган манзилларга ўз вақтида етиб боришини таъминлаш мақсадида алоҳида йўлақлар ташкил этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун дунё манзараларига жиддий таҳдид солган коронавирус пандемиясига қарши курашишда халқимиз яқдиллиги ҳар нарсадан устундир. Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида коронавирус пандемиясининг олдини олиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш бўйича саъй-ҳаракатларга қамарбаста бўлиш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир. Бу йўлда ҳамжихатлик, собитқадамлик йўқолмасин.

Биргаликда енгамиз!

Дезинфекция ишлари кўлами кенгаймоқда

Исломжон ҚўЧҚОРОВ

Мамлакатимиз Президенти — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг махсус топшириғига биноан, шу йилнинг 20 апрелидан 20 май кўнига қадар юртимиз бўйлаб мудофаа вазири раҳбарлигида Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар вазирликлари ҳамда Миллий гвардия ҳамкорлигида ҳокимликларнинг ободонлаштириш бошқармалари ходимларини жалб этган ҳолда махсус тактик ўқув машғулотлари бошланди.

— Ҳамкорликдаги бу машғулотлардан кўзланган асосий мақсад аҳоли кўп тўпланадиган жамоат жойлари, савдо марказлари ва бозорларда, шаҳар кўчаларида, кўп қаватли уйларда, маҳаллаларда, магистрал, асосий йўллар ва кўчаларда кенг қўламли дезинфекция ишларини ўтказиш, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, фуқароларимиз хавфсизлиги, саломатлигини таъминлашдан иборатдир, — дейди Қуролли Кучлар Бош штаби радиация, кимёвий, биологик муҳофаза қўшинлари бошлиғи, полковник Исроможон Исмаилов. — Ушбу махсус тактик ўқув республикамизнинг барча ҳудудларида ҳарбий округлар қўмондонлари бошчилигида ўтказилди.

Кўргазмали тактик ўқув машғулотида замонавий махсус техникалар, 50 га яқин қуювчи автостанция, 300 дан ортиқ дезинфекция аппаратури ажратилди. Махсус тактик ўқувларни уюшқоқлик билан ўтказиш учун мудофаа вазирлиги радиация, кимёвий, биологик муҳофаза қўшинлари ва Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази, шунингдек, бошқа ҳамкор ташкилотларнинг етакчи мутахассисларидан иборат йўлбар ва батальон тузилди. Асосий машғулотларга киришишдан аввал секторларга ажратилган мазкур йўлбар батальон шахсий таркиби томонидан ҳудудларда дезинфекция ишларини сифатли ўтказиш бўйича зарур курсатма ва йўл-йўриқлар амалда намоиш этилди.

Машғулотлар давомида таркиби натрий гипохлориди, биоактив хлор, супер хлор, “Жавил-Д” каби дори воситалари аралашмасидан иборат кимёвий сувоқининг тайёрлашда эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим жиҳатлар ҳам инобатга олинмоқда. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, мазкур кимёвий аралашма ўз таркибида 50 фоиз фаол хлорни сақлайди. Бу эса, ҳеч шубҳасиз, барча турдаги зарарли вирусларни йўқ қилиш имконини беради.

Амалга оширилаётган бу каби саъй-ҳаракатларимиз ягона мақсадга қаратилган. Бу ҳам бўлса, халқимиз саломатлигини асраш. Ҳамкорликдаги тадбирларда Қуролли Кучлар тузилмаларининг ҳарбий хизматчилари ҳам тожли вирус оммавий тарқалиб кетиши хавфининг олдини олишда шифокорлар, Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази мутахассислари билан елкама-елка туриб, халқимиз, юртдошларимиз соғлиғи йўлида ўзининг матонати, жасоратини амалда намоён этмоқда. Албатта, ҳамжихатликда олиб борилаётган бундай саъй-ҳаракатлар мамлакатимизда COVID-19 пандемияси устидан тезроқ галаба қозонишга, корона-вирус инфекциясини тўлиқ батараф этишга хизмат қилади.

Санъат

Хавас қилса арзийдиган аждодларимиз бор,
хавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор.
Ва мен ишонаман, насиб этса, хавас қилса арзийдиган
буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз
ҳам, албатта, бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

Нодирбек САЙФУЛЛАЕВ,
Камолиддин Бехзод номидаги Миллий
рассомлик ва дизайн институти ректори,
тарих фанлари номзоди, доцент

Сир эмаски, бугунги кунда дунё давлатлари пандемия синовини бошидан кечирмоқда. Бу вирус ўз ортидан бир қатор иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Натижада жаҳоннинг кўплаб ривожланган давлатларида иқтисодий турғунлик юзга кела бошлади.

Афсуски, пандемия бўҳронидан юртимиз ҳам четда қолгани йўқ. Бирок алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шахсан раҳбарлигида бу вируснинг кенг тарқалишига қарши бир қатор қатъий чоралар кўрилди ҳамда айтиш мумкин, унинг кенг тарқалишини жиповлашга муваффақ бўлинди.

Пандемия шароити бўлса-да, барча соҳалар қаторида санъат ва маданият соҳаси ҳам эътибор марказида бўлиб турибди. Бунинг ёрқин мисоли сифатида куни кеча Президентимиз томонидан имзоланган “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни келтириш мумкин.

Ушбу қарор буюк мусаввир ва наққош Камолиддин Бехзод таваллудининг 565 йиллигини кенг нишонлаш билан боғлиқлиги, миллий тасвирий ва амалий санъат истиқболини белгилаб бергани билан тарихий аҳамиятга

Жумладан, 2020 йил октябрь ойида буюк мусаввир ва наққош Камолиддин Бехзод таваллудининг 565 йиллигини кенг нишонлаш, унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрининг кўчаларидан бирига унинг номини бериш, буюк мусаввир номи билан юритиладиган Шарк миниатюра санъати музейи хйёбонининг замонавий қиёфада қайта ташкил этилиши ва унинг худудидаги мусаввир ҳайкалининг бронзага ўтказилиши, “Ўзбекистон замонавий миниатюраси” каталогининг тайёрланиши қабилардир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, қарор асосида Бадий таълим йўналишларидаги педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш маркази ва олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимида тайёрларлик босқичи сифатида Рассомлик маҳорат устaxonаси (олий рассомлик курси) ташкил этилади.



эга, десак муволафа бўлмайди.

Қарор асосида, биринчидан, биз буюк тарихий шахс, ўзбек миниатюра санъатининг асосчиси Камолиддин Бехзод шахсига ўз эҳтиромимизни намойён этамиз. Буни биз ҳужжатли фильм яратиш, мусаввир ҳайкалининг янги шаклда бунёд этиш, халқаро илмий конференциялар ўтказиш ва яна ҳужжатда назарда тутилган бир қанча вазифалар орқали адо этамиз. Иккинчи томондан, бу орқали биз халқимизга, айниқса, ёш авлодга Камолиддин Бехзод, унинг ижодий мероси, умуман олганда, юртимиз тарихи ҳақида маълумот берамиз. Бу эса, ўз навбатида, ёшларимизни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашимизда муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, қарорга мувофиқ, юртимизда тасвирий ва амалий санъат, дизайн соҳасининг ривожини унган улкан замин ҳозирланган.

Бу қарорда белгиланган жуда кўплаб вазифалар борки, уларнинг амалий ижроси таъминланиши натижада юртимиз тасвирий ва амалий санъати янги босқичга кўтарилиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Бадий академиясининг тақлифига биноан, юртимиз тасвирий санъатига улкан хисса қўшган атоқли ижодкор Павел Бенъков номи Республика иختисослаштирилган рассомлик мактабига берилди.

Шунингдек, “Устоз-шоғирд” ва бадий таълим аъналарини сақлаган ҳолда ўқитишнинг илғор усулларини ишлаб чиқиш, ўқув жараёнига ижодий устaxonалар фаолиятини татбиқ этиш, чет эллардаги кўргазма ва музейларда сақланаётган ноёб асарлар билан яқиндан танишиш, нусха кўчириш ҳамда тажриба алмашиш мақсадида олий рассомлик курси ёш ижодкорларнинг ижодий сафарларини ташкил этиш, юртимиз музейлари фондларини юксак бадий қийматга эга бўлган тасвирий санъат асарлари билан мунтазам бойитиб боришга кўмаклашиш каби қатор вазифалар ҳам белгилаб берилди.

Мазкур қарорда ёш ижодкорлар учун улкан имкониятлар яратадиган вазифаларга ҳам алоҳида урғу берилган. Хусусан 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида

тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишида таълим олаётган талабалар учун Камолиддин Бехзод номидаги давлат стипендияси таъсис этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ушбу йўналишда тахсил олаётган талабаларнинг ижодий интилишларини, янгилик яратишга бўлган саъй-ҳаракатларини рағбатлантириб, келажақда етук кадр бўлиб етишишлари учун пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, “Камолиддин Бехзод издошлари” миниатюра ва халқ амалий санъати асарлари ижодий танловининг ҳамда Камолиддин Бехзод ва унинг издошлари асарлари, хаттолик санъати намуналари, замонавий миниатюра асарлари кўргазмаси ҳамда илмий-амалий конференциясининг ўтказилиши ҳам ёш ижодкорларнинг ижодий имкониятларини намойён этишлари ҳамда тажриба орттиришлари учун замин яратади.

Энг қувонарли жиҳатлардан бири шуки, эндиликда мамлакатимизда рассом, ҳайкалтарош, амалий санъат усталари, санъатшунос, музейшунос ва дизайнер кадрлар тайёрлайдиган ягона олий таълим муассасаси ҳисобланган Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг моддий-техник базаси янада мустаҳкамлангани бўлди.

Қарорда 2021 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган инвестиция дас-турда институтнинг асосий биноси атрофида қўшимча ўқув биноси ва замонавий ахборот-кутубхона маркази,

кўргазмалар галереясини қамраб олувчи ёрдамчи иншоот қуриш назарда тутилган бўлиб, бу ҳам ижодкор талабаларнинг таълим тарбия олишлари, етук кадр бўлиб етишишлари учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, қарорда Камолиддин Бехзоднинг бой ижодий меросини халқимизга тўлақонли етказиш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда яна бир қанча бадий таълим ривожини акс эттирадиган масалалар кенг қамраб олинган.

Бугунги кунда юртимизда барча соҳада туб бурилишлар ҳамда ўзгаришлар кузатишмоқда. Шулар қатори маданият ва санъат соҳаси ҳамда унинг таркибий қисми бўлган бадий таълимнинг ҳам бу ўзгаришлардан нафақат четда қолмаётгани, балки Президентимизнинг доимий эътибор ва ғамхўрлигида янада раванг толиб бораётгани кишини қувонтиради.

Албатта, бу ғамхўрлик ва эътибор ўз самарасини беради. Ўзбек санъати ва маданияти янада ривожланиб, юксак марраларни забт этишда давом этади.

Китобхонлик



Хафиза КАРИМОВА,
Тошкент шаҳар “Bilim” ахборот-кутубхона маркази директори

Мамлакатимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш борасида тезкор ва кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Карантин сабабли кўпчилик уйда ўтириб, фойдали иш билан машғул. Масалан, кимдир масофадан туриб, ўзига бириктирилган хизмат вазифасини адо этмоқда, кимдир оиласи даврасида, фарзандларига вақт ажратмоқда. Яна кимлардир китоб мутолааси билан машғул. Чунки ҳар бир фарзанднинг ҳаётий тажриба тўплашида оила, оиладаги китоб ўқишга, мутолаага бўлган эътибор қатта аҳамиятга эга. Отаналар ва болалар жипслигининг муҳим ва зарурий шартларидан бири ҳам оилавий китоб ўқишдир.

УЙДА ҚОЛИНГ ва ОИЛАВИЙ КИТОБ ЎҚИНГ

КИТОБ фарзандларимизнинг маънавий тарбиясида энг муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Биз қайси ёшда бўлмайлик, илк ўқиган китобларимизни доимо эслаб юраемиз. Бу китоблар, эҳтимол, болалик пайтимизда бизларни афсоналар мамлакатига сайр эттирган халқ эртақларию, Ҳамид Олимжон, Зулфияxonим, Фафур Ғулом, Саида Зуннунова каби оташнафас қалам соҳибларининг шеърларидир, балки кейинчалик ҳар биримизни донишмандлар сўҳбатига ошно этган буюк бобоқалонимиз Ҳазрат Навоийнинг “Хамса”, Абдулла Қодирий домланинг мозийга қараб, хайрли иш қуришга ургатган “Уткан кунлар” романидир.

Президентимизнинг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилиниши ушбу иллат тарқалишининг олдини олиш, эҳтиёт чораларини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, фармонда коронавирус пандемияси тарқалишига қарши курашиш масаласига комплекс ёндашилгани, мамлакатимизда вужудга келган мураккаб вазиятда давлатимиз раҳбари томонидан тўғри қарор қабул қилиниши натижасида барча йўналишда ишлар тўғри ташкил қилинмоқда, минглаб масъул ходимлар кеча-кундуз фидокорона меҳнат қилмоқда, фуқаролар ўртасида меҳр-оқибат кучаймоқда. Ишончимиз қомилки, ушбу мураккаб вазият халқимизни янада жипслаштиради.

Тошкент шаҳридаги “Билим” ахборот-кутубхона маркази томонидан пандемиянинг олдини олиш, карантин даврида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг уйда қолиб, бўш вақтларини мазмунли ўтказишига оид алоҳида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, шу асосида фаолият юритилмоқда. Марказимизнинг bilim.natlib.uz веб-сайти, телеграмдаги @bilim_aktm, инстаграмдаги @bilim_aktm, фейсбукдаги @bilimaktm, твиттердаги @AktmBilim, Audiokitoblar @lib_audiobooks, Elektronitoblar @lib_books каби саҳифалари орқали китобхонлар учун китобларнинг электрон шакллари, аудиokitoblar, эртақлар, видеороликлардан фойдаланиш имконияти яратилган.

Президентимизнинг 2019 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиши янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори, шунингдек, ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича илғари сурилган бешта муҳим ташаббуси ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш борасидаги ишларда дастуриламал бўлмоқда.

Кутубхоналарда яратилган имкониятлардан мақсадли ва унумли фойданиш учун отаналарга қуйидаги тавсияларни бермоқчиман.

Уйингизда ўзингиз ва фарзандингизни қизиқтирган китоблардан иборат кичкина бўлса ҳам кутубхона бўлсин. Китоб ўқишда фарзандларингизга, аввало, ўзингиз ўрнак кўрсатинг, “Биргаликда китоб ўқиймиз”, “Биз оилавий китобхонимиз”, “Бир соатли китоб ўқиш” каби широрлар остида машғулотлар ташкил этинг.

Китоб ўқиб, завқ олганингизни, албатта, фарзандларингиз кўрсин, улар “китоб ўқиш кишига роҳат бахш этади”, “мен севган қаҳрамонимга ўхшашни хоҳлайман”, деган фикрга келсин. Китобдан турли мисоллар келтиринг,

Президентимизнинг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилиниши ушбу иллат тарқалишининг олдини олиш, эҳтиёт чораларини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

уларнинг маъносини жонли тарзда фарзандларингизга тушунтиринг. Яхши нимаю, ёмон нималигининг фарқини айтиб, ўқиган китобингиз мазмунини сўзлаб бериңг.

Фарзандингизга, улар боғча ёшидаёқ, китобни овоз чиқариб ўқиб бериши одат қилинган. Тез айтишлар, топишмоқ топиш каби машғулотларни ҳар куни такрорланг. Унутманг, бу машқур фарзандингиз ақлини чарқалайди. Кечкурун уйкуга ётишдан аввал ўзи ёқтирган китобни ўқишни одат қилишига эришинг. Болага ёқмаган, унинг қизиқишига мос келмаган, унга зерикарли бўлган китобларни ўқишга, машғулотларни бажаришга мажбур қилманг, бу акс натижа бериши мумкин.

Қуш уясида кўрганини қилади. Фарзандингизга китоб ўқишни яхши кўришингизни, китоб яқин дўстингиз, беминнат муаллимингиз эканини кўрсата билиңг. Модомики, фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол ва етук инсонлар бўлиб воғга етишларини истар эканимиз, уларга тез-тез китоб совға қилиб туришни одатга айланттирайлик, китобдан қимматбахо совға йўқ.

Фарзандлар қалбида китобга меҳр уйғониши уларнинг борлиқ оламга, ҳаётга, жонажон Ватани ва халқига, меҳрибон отаналарига бўлган меҳру муҳаббатга, чин дўстига бўлган садоқатининг сарчашмасидир!

Азизлар, оилавий китоб ўқиш — бу биргаликда мароқли дам олиш, китобнинг сирли оламига савҳат қилиш ва фарзандларингиз билан яқиндан мулоқот эканини асло унутманг!